




ХАВАР

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 11 yanvar № 2 (487)

Sotuvda narxi erkin



“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” АЖ Миробод филиалида дебиторлик қарзларини ундириш ишларига ҳисоб-китоб бўлими бошлиғи К. ОХУНОВА ҳамда оператор М. ШАРОБИТДИНОВАлар масъулдир.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 4-А уйда истикомат қилувчилар номидан фуқаро Е. Свободинанин ёзган шикоят хати Давлат алоқа инспекцияси Тошкент вилояти бўлинмаси томонидан “Тошкент Телеком” АЖ мутахассислари билан биргаликда 2001 йил, 19 декабрда ўрганиб чиқилганида ҳақиқатан ҳам Олмалиқ

ЖАНОБ АРЗИМНИ

филиалида фуқаролар мурожаатларига эътиборсизлик ва уларнинг ҳуқуқларини пиланд этмаслик ҳоллари мавжудлиги аниқланди.

Юқорида қайд этилган манзилда истикомат қилувчиларнинг телефон носозлиги бўйича ёзган шикоят хати “Фуқаролар аризаси, таклиф ва шикоятларини рўйхатга олиш дафтари”га киритилмаган. Ҳатто ушбу шикоят хатига ҳам, “Олмалиқ ишчиси” газетасида чоп этилган танқидий мақолага ҳам ёзма жавоб берилмаган. Олмалиқ филиали директори қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари юритилмаган, бош муҳандис қабулида бўлган фуқаро К. Гетманскийнинг мурожаати ҳам қайд этилмаган.

Фуқаро К. Гетманский ва О. Блиновааларнинг телефонлари қардорликлари учун оғохлантиришсиз — нотўғри ўчирилган. Шу билан бирга телефон носозлиги бўйича 2001 йил, 7-9 ноябрда тушган 11 та аризаларнинг барчаси биз томондан ўтказилган ўрганиш кунига бартараф этилмаган.

Олмалиқ филиали раҳбари Ж. Ражаповнинг масъулиятсизлиги оқибатида йўл қўйилган юқоридаги камчиликлар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар му-

рожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 7,12-моддалари, 1995 йилда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимида таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш, рўйхатга олиш ва ҳисоботни тузиш тартиби бўйича йўриқнома”нинг 1.2, 1.9 ва 3.4.4-бандлари, “Ўзбекистон

РАҲБАР, ТИНГЛАНГ!

лий телефон алоқасидан фойдаланиш қондалари”нинг 4.1.1, 4.1.3 ва 6.3.2-бандлари ҳамда “Қишлоқ ва шаҳар телефон тармоқларидаги носозликларни назорат мuddатларида бартараф этиш”, шунингдек, “Шаҳар телефон тармоғидаги носозликлар тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш тартиби бўйича йўриқнома”нинг 2.7-бандлари талабларининг бузилишига сабаб бўлган.

Давлат алоқа инспекцияси Тошкент вилояти бўлинмаси аниқланган камчиликлар юзасидан “Тошкент Телеком” акциядорлик жамиятига тегишли кўрсатмаларни берди ва камчиликларга йўл қўяётган раҳбар ходимларнинг масъулиятсизликларига барҳам бериш юзасидан чоралар кўришни тавсия этди.

Алоқа соҳасида эл-юрт хизматида мутасадди этилган раҳбарлар мустақил республикаимиз қонунларида, истеъмолчилар мурожаатларига эътибор билан муносабатда бўлсалар миждларнинг бизга бўлган ишончи янада ортар эди.

И. ТўРАҚУЛОВ,
Давлат алоқа инспекцияси
Тошкент вилояти
бўлинмаси бошлиғи

СЕЛЕКТОР ЎТКАЗИЛДИ

Агентлик ҳайъати мажлислар залида селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев олиб борди. Унда реферendumга тайёргарлик

кўриш, “буортмалар портфели”ни шакллантириш моддий-техник ресурсларига шартномалар тузишнинг бориши, қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ва топшириш тadbирларини ташкил этиш, шунингдек, “ХАВАР” газетаси учун 2002

йилги обуна натижалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар юзасидан корхоналарга зарур топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз

Республикаимиз Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан ўтган 2001 йилни “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимида амалга оширилган хайрли ишларга муҳим йўналиш ва туртки бўлди.

Бу ташаббус соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Оналар ва болалар йили” давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Агентликда ишчи гуруҳ тузилди ва тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Тadbир режасининг ўн бир ой ичда амалда бажарилиши шарт бўлган қисмига асосан алоқа корхоналари ва ташкилотларида “Оналар ва болалар йили”га бағишланган тadbирлар тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш борасида Ишчи комиссиялар тузилди. Ушбу комиссия ўз корхона ва муассасаларида мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришида она ҳамда оиланинг ролини кучайтириш бўйича иш олиб бордилар.

Ишлаб чиқилган тadbирга мувofиқ соҳа аёллари жамоа шартномасига киритилган ногирон фарзанди бор ҳамда тўрт ва undan ортик 16 ёшга етмаган фарзандлари бор аёлларнинг ўртача маоши сақланган ҳолда, ҳафтада бир кун, 12 ёшгача фарзанди бор аёлларга эса ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар ойда бир кун дам олишни таъминлаш, уч ёшгача бўлган фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларга қўшимча таътил бериш, ҳомиладор аёлларни 6 ойдан таътилга чиқариш, кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиб моддий ёрдам кўрсатиш (ҳисобга олинган 2200 оиланин 1600 тасига моддий ёрдам кўрсатилди) каби бир қатор қўшимча имтиёزلардан фойдаландилар.

Шунингдек, дастур асосида соҳада мавжуд бўлган болаларни соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларини масъумга тайёрлаш ишлари ушқоқлик билан олиб борилиши натижа-

сида алоқачиларнинг 4317 нафар фарзандлари (2000 йилга нисбатан 470 нафар кўп) ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида бўлдилар. Кўп болани ва кам таъминланган оилаларга йўланмалар бепул ажратилди.

Республика ҳукуматининг

нинг ўн йиллигига бағишлаб талаба қизлар ўртасида “Иқбол” кўрик-танлови ўтказилди. Алоқа институтининг гуруҳ мураббийлик соатларида “Оналар ва болалар йили”нинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисида суҳбатлар, Навойнинг 360 йиллигига бағишлаб “Навоийхонлик” кечаси ўтказилди.

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

қарорига биноан Оролбўйи минтақасида экологиянинг ёмонлиги ва сув танқислиги туфайли ушбу вилоят болаларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қилинди. Тошкент шаҳри ва Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятлари болалар оромгоҳларида бу йил Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган жами 528 нафар бола соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, дастурда белгиланганидек алоқа ходимлари орасида уч босқичдан иборат спартакиада мусобақалари ўтказилди. Спартакиаданин 1-босқичи апрел ойида алоқа корхоналари, ташкилот ва муассасаларида, 2-босқич уйинлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри алоқа ходимлари ўртасида май ойида ўтказилди. Якуний 3-босқич уйинлари эса октябр ойида ўтди. Ушбу уйинларда 168 нафар алоқачи иштирок этди. Фойдаларга қимматбахо совринлар, ҳар бир иштирокчига эса эсдалик совғалари тақдим этилди. Спартакиада голибларидан ташкил топган аёллар терма жамоамиз ноябр ойида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тармоқлараро спартакиада мусобақаларида ҳам иштирок этиб, стритбол бўйича иккинчи, волейбол бўйича учинчи ўринларни эгаллади.

Алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган аёллар меҳнатини муҳофаза этиш, техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш жойлари таъмирланиб, ходимлар маошларига қўшимча иш ҳақи тўлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўриклдан ўтказиб туриш ишлари йўлга қўйилди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу тadbирга 5 млн. сўм атрофида маблағ сарфланди.

Тошкент электротехника алоқа институтида мустақиллик-

мавузуларида ҳуқуқшунослар билан институт ходима аёллари ўртасида бир неча бор суҳбатлар уюштирилди.

Алоқа коллежи ва институтларда вилоятлардан келиб таҳсил одаётган 21 нафар талабага “Ўзбекистон почтаси” ДАК томонидан 138,7 миңг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, алоқачиларнинг бошланғич синфда ўқийдиган фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминландилар. “Матбуот тарқатувчи” АК томонидан бу тadbирга 310,6 миңг сўм ажратилди.

Компаниялар ва акциядорлик жамиятларида “Она ва бола ҳуқуқини қонун томонидан ҳимоя қилиш ҳақида”, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини, Фуқаролар солигини сақлаш тўғрисидаги Қонуннинг амалда бажарилиши юзасидан суҳбатлар ташкил қилинди.

Компаниялар ва унинг тизимидаги корхоналарда “Дунё болалар нигоҳи билан”, “Онажоним — меҳрибоним”, “Она ва бола” мавзуларида расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Фойлилар компаниялар томонидан совғалар билан тақдирландилар.

Хулоса қилиб айтганда “Оналар ва болалар йили” дастурини ҳаётга тadbир этиш ва шу муносабат билан хайрли ишларни амалга ошириш — халқимиз фаровонлиги йўлидаги саховатли ишлар Агентлик томонидан йил давомида изчил амалга оширилиб бориши ва бу каби эзу ишлар “Қарияларни қадрлаш” йилида ҳам давом этади.

Т. НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси

• 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” акциядорлик жамияти бош директори Марат Зоҳидов корхонада узоқ йиллардан бунён ишлаган меҳнат фахрийи Артур ВОЙЦЕХОВСКИЙ ҳақида ишқ саҳлари айтади. Кўнгилдан ишқ билан суҳбатлашиш истаги тунда. Артур Германовичнинг ҳузусида кириб бораганида у киши телефонда кимдодир бир нарсаларни тушунираётгани экан. Таъжибдан сўнг муҳандислик фаолиятининг дастлабки даври ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— 1960 йили Тошкент электротехника алоқа институти ўзининг биринчи битирувчиларини ҳаётга йўллади. Ана шу тантаналар институт, алоқа вазирлиги, республика алоқа корхоналари раҳбарлари ва биз битирувчиларнинг қалбида бир умр сақланиб қолган. Зеро бу нарса республика ва унинг алоқа хизмати соҳасида улкан воқеа бўлган эди. Шу вақтда собиқ иттифоқнинг Москва, Ленинград ва Новосибирск шаҳарларидаги мавжуд бўлган алоқа институтларини битириб, республикамиз алоқа тизимида ишлаган олий маълумотли муҳандислар қаторига биз ҳам қўшилган эдик. Тантаналар руҳи бизга қўлилмаганда катта масъулият юклатди. Дарҳақиқат, курсдошларимнинг кўпчилиги республикамиз алоқа хизмати ривожига катта ҳисса қўшдилар ва қўшиб келмақдалар. Ўзбекистонда электралоқа соҳаси бўйича биринчи фан доктори, профессор Мажидулла Орипов, алоқа институтининг кўза кўринган олимларидан Искандар Берганов, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” та ва Тошкент вилояти алоқа бошқармасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Ҳикматилла Фуломов

ва бошқа бир қатор курсдошларим шулар жумласидандир. Тақсимлаш комиссияси мени Фарғонага юборди ва виллоят линия-техника боғламаси бошлиғининг муовини вазифасига ишга тайинландим.

Биз Риштон — Сўх оралигида симёғочли алоқа линиясини қураддик. Ана шу линиядаги симларнинг тўқнаш келиш схемасини ишлаб чиққаным муҳандис сифатидаги биринчи ишим бўлди. Институтда буларни ўқиганмиз, лекин бу ерда мен чизган схемаларнинг амалда жорий этиш жараёни ва унинг масъулияти одамни бироз ҳаяжонга солар экан. Секунд-аста жамоанинг ишонч ва ҳурмати ни қозона бошладим.

1961 йили пойтахтга қайтдим ва “Тошкент телеграф-телефон станцияси”да Тошкент - Москва магистрალი бўйича муҳандис вазифасига тайинландим.

1963 йили Германиядан янги ускуналар олдик. Бу алоқа воситалари шаҳарлараро алоқа ўрнатилиш учун қўлланиладиган кўп каналли алоқа техникаси мажмуаси бўлиб, улар ҳақидаги барча маълумотлар немис тилида эди. Корхонамиз бош муҳандиси Фаина Форшайт мени қақриб, мазкур алоқа воситаларини ўрганишни топширди. Янги ускуналарни дастлаб Тошкент — Самарқанд оралигида ишга туширдик. Бутун республика бўйича бундай

алоқа воситаларини ўрнатилиш ва ишга тушириш кенг тус олди. Мени марказдан узоқ жойлардаги корхоналарга ёрдам берувчи муҳандис этиб тайинландим. 1968 йилдан линия аппарат цехи бошлиғи вазифасида ишмни давом эттира бошладим.

1979 йили бош муҳандис этиб тайинландим. Бу энди ўта масъулиятли вазифа эди. Янги техникаларни ўзлаштириш, янги йўналишларни ишга тушириш, шаҳарлараро ва халқаро алоқа борасида қўшимча хизмат турларини

ститутда маърузалар ўқийман, коллеж ва институтнинг давлат имтиҳонларида комиссия аъзоси сифатида қатнашман. Корхонамизда институтнинг сим орқали узатиш тизими назариясининг сайёр қадрли фаолият кўрсатмоқда. Жуда кўп талабалар бизда ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини ўтайдилар.

— Бутунинг алоқачи муҳандисисизнингча қандай бўлиши керак?

— Алоқа техникасининг мураккаблиги ва муҳандислик нуқтаи назардан қараганда алоқа соҳаси ҳеч муболағасиз энг мураккаб соҳалардан биридир. Муҳандис сифатида босиб ўтган йўлимга бир назар ташласам институтда олган билимларим муҳандислик фаолиятимда пойдевор бўла олди, холос. Ўқиш, ўрганиш эса бир мuddат тингани йўқ. Ҳозир ҳам ишдан сўнг кутубхоналарда қилиб кетаман. Мен муҳандисман ва тасарруфимдаги техникани мукамал билишим шарт деган фикр мени ҳеч қачон тарк этган эмас. Алоқа техникаси ва технологияси эса қундан-қунга ўзгариб борапти. Очингани айтиш керак, ҳақиқий муҳандис бўлман деб бел боғлаган киши тинимсиз ўқиши, ўрганиши, изланиши керак. Ахс ҳолда, кечаги энг илғор муҳандис ҳам бутун замон талабига жавоб беролмай қолаверади. Бу кўннинг муҳандисига ҳавас қилса арзийди. Негаки, уларда бир вақтлар бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган чет элларга чиқиб, жаҳондаги йирик ўқув марказларида малака ошириш, хориқлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаш каби имкониятлар мавжуд. Демак, замонавий муҳандис ҳар томонлама муносиб ва баркамол инсон бўлиши ҳам керак.


— Эртанги кун алоқа хизмати ҳақида инималар дед олесиз?

— Республикамиз мустақилликка эришган телекоммуникация соҳасида

жаҳонда етакчи саналган фирма ва компанияларнинг техника ва технологиялари диёримиз телекоммуникация тармоғига кириб келди. Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тизимлари борасида фаолият кўрсатиб келатган Швейшянинг Эриксон, Югославиянинг Никола-Теста, Германиянинг Siemens ва Алкател, Япониянинг NEK, Жанубий Кореянинг ДЭУ, Исроилнинг РАД ва бошқа фирма ҳамда компаниялари шулар жумласидандир. Эртага бу рўйхат яна давом этиши мумкин. Чунки телекоммуникация соҳаси тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бир нарсани қатъий айтишим мумкин. Аналог тизимдаги электралоқа воситалари ўз умрини яшаб бўлди. Электрон тизимлар дари бошланди. Оптик толали кабеллардан фойдаланиш, пакетли коммутация, алоқа воситалари орқали ҳужжатларни узатиш, радиолоқа воситаларини такомиллаштириш ва улардан кенг фойдаланиш, алоқа йўлдошлари ва космик алоқани ривожлантириш каби жараёнлар алоқа хизматини баҳоловчи омиллар бўлади. Мутахассислар жаҳон телекоммуникация базоридан бирон-бир янгиликнинг умри ярим йилдан тўққиз ойгача деб ҳисоблашмоқда. Зеро муҳандислик сир-асрорларининг чегараси йўқ. Демак, ривожланиш ва такомиллаштириш тинмай давом этаверади. Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу тараққиёт ёлғиз бир киши, бир жамоа ёки бир юрт мутахассисларигагина мансуб бўлмай, жаҳон интеллектuali имкониятларининг биргаликда мева-сидир. Алоқа соҳаси эса бошқарув, халқ ҳўжалиги ва аҳоли учун ниҳоятда зарур соҳа бўлиб қолаверади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суҳбатлашди

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР



ринчи ишим бўлди. Институтда буларни ўқиганмиз, лекин бу ерда мен чизган схемаларнинг амалда жорий этиш жараёни ва унинг масъулияти одамни бироз ҳаяжонга солар экан. Секунд-аста жамоанинг ишонч ва ҳурмати ни қозона бошладим.

1961 йили пойтахтга қайтдим ва “Тошкент телеграф-телефон станцияси”да Тошкент - Москва магистрალი бўйича муҳандис вазифасига тайинландим.

1963 йили Германиядан янги ускуналар олдик. Бу алоқа воситалари шаҳарлараро алоқа ўрнатилиш учун қўлланиладиган кўп каналли алоқа техникаси мажмуаси бўлиб, улар ҳақидаги барча маълумотлар немис тилида эди. Корхонамиз бош муҳандиси Фаина Форшайт мени қақриб, мазкур алоқа воситаларини ўрганишни топширди. Янги ускуналарни дастлаб Тошкент — Самарқанд оралигида ишга туширдик. Бутун республика бўйича бундай

жорий этиш, корхонанинг муҳандислик фаолиятига раҳбарлик қилиш... худлас ишлар кўп эди.

1986 йили республикада биринчи электрон станцияни ишга туширдик. Шу йили мени алоқа вазирлигига шаҳарлараро алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимига ўтказишди. Вазирликда турли масъул лавозимларда ишладим ва 1991 йили яна қилдим “Тошкент телеграф-телефон станцияси”га бош муҳандислик вазифасига қайтдим. 1998 йили пенсия ёшига етсамда, менга корхонадан бўлиниб кетишимга розилик беришмай, ишлаб чиқариш техника бўлиминин бошқаришни топширишди. Бундан ташқари ишдан ажралмаган ҳолда ин-

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Бундан роппа-роса йигирма йил илгари Олтинсой тумани ташкил топган эди. Утган даврда бу юрт таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов орзу қилганидек гуллаб-яшнади. Айниқса, кейинги ўн йилдаги ўзгаришлар эътиборга лойиқдир. Биргина алоқа хизмати соҳасидаги янгиликларга назар ташлайдиган бўлсак, сезиларли силжишларни кўришимиз мумкин.

Илгари олтинсойликлар шаҳарлараро сузлашувга бевосита Денов ва Шўрчи орқали чиқишар эди. 1993 йили туман ҳокимлиги биносинда 44 метрли минора бунёд этилган, бу ташвишларга чек қўйилди. Албатта, маҳаллий аҳолига бутунги кун талаби, жаҳон андозаси даражасида хизмат кўрсатишга эришиш учун бунинг ўзи кифоя эмас эди.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимовнинг сайёр ҳаракати билан икки қаватли бино қурилиши Тоғаймурод Қаюмов бошлиқ 271-механизациялашган кўча жамланма жамоаси зиммасига юклатди. Қисқа мuddат ичнда асосий қурилиш-монтаж ишлари тугалланди.

— Оптик толали алоқа кабелли трассасидаги ишларни ҳам ақунландик, — дейди “Сурхондарё Теле-

ком” шўба корхонасининг Олтинсой филиали директори Ўлчи Мелимуров. — Денов шаҳрига 23 километр кабел симлари тортилди. Бунда “Алоқанвест” АЖнинг Самарқанд ва Сурхондарё қирилиш ташкилотлари катта хизмат қилишди. Ту, мандаги “Пахтакор”, “Оқ олтин” ширкат ҳўжаликлари ҳам амалий ёрдам беришди.

Дарҳақиқат, янги йилда олтинсойликлар истиқлолнинг яна бир кенг имкониятидан фойдалана бошладик. Улар энди уйдан туриб дунёнинг исталган манзили билан боғлана олишди. Шунингдек, кўп йиллардан бунён хизмат қилиб, эл ишончини сиққилидан оқиб келатган Қудрат Мамажабов, Мамаюсуф Эрнӣёзов, Бибисора Сулаймонова, Чиннихол Менгқобилова, Момоҳол Сатторова каби тажрибали алоқачиларнинг иш унуми бунданда ошди.

Олтинсойда ҳозир 2250 та телефон ишлаб турибди. Хонадонлар ва жамоаларга эфир радиосини ўтказиш ишлари эса ниҳоятда етказилмоқда. Рақамли телефон станцияси қувватидан фойдаланила бошлагач эса алоқа хизмати сифати янада яхшиланади.

Нортожи ЗИЕВ, жамоатчи мухбиримиз

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Катта ўқитувчилар:
Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 2, Алоқа қурилмаларининг электралоқа таъминоти — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Фалсафа — 2,
Физика — 3,
Алоқа линиялари — 1.
Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой мuddат ичнда қабул қилинади. Танловда кўрсатишган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108. Телефон: 138-64-06.

ЭЪЛОН

“Ўзбекистон почтаси” Давлат акциядорлик компаниясининг “Пуд жўнатмаларини айирбошлаш ва назоратини ташкил қилиш маркази” шўба корхонаси, код ОКПО 17489376, 2002 йилнинг 1 январидан ёпилади.

Эътирозлар эълон чиққандан кейин 2 ой ичнда қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700077. Тошкент шаҳри, Достикон кўчаси, 54-уй.

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2002 йил, 15 феврал соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳар, А. Толстой кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9⁰⁰ да бошланади. Акциядорлар рўйхати 2002 йил, 10 январ ҳолатига кўра тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбектелеком” АК га “Тошкент шаҳар телефон тармоғи”, “Тошкент телеграф-телефон станцияси”, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси”, “Тошкент Телеком”, “Анджон Телеком”, “Фарғона Телеком”, “Наманган Телеком”, “Сирдарё Телеком”, “Қорақалпоқ Телеком”, “Навоий Телеком”, “Хоразм Телеком”, “Бухоро Телеком” акциядорлик жамиятларини қўйиш йўли билан компанияни қайта ташкил этиш.
2. “Ўзбектелеком” АК Устаविға ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари лозим. Акциядорлар вакилларидан ишончнома (нотариусда тасдиқланган бўлиши керак) ва паспорт талаб қилинади. Аҳборот ҳўжатлари билан “Ўзбектелеком” АК да танишиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 34-96-30, 139-23-78.

“TOSHKENT-TELEKOM” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2002 йил, 12 феврал соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аъзам Ҳўжаев кўчаси, 29 уй, “Toshkent-Telekom” АЖнинг мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорлар соат 9⁰⁰ дан бошлаб рўйхатга олинади. Акциядорлар рўйхати 2002 йил, 15 январ ҳолатига кўра тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

“Toshkent-Telekom” акциядорлик жамиятининг “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясига қўйилиш шартномаси ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш.

Қузатув Кенгаши

“ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2002 йил, 13 феврал соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уйда ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9⁰⁰ да бошланади. Акциядорларининг рўйхати 2002 йил, 10 январ ҳолатига кўра тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” АЖнинг “Ўзбектелеком” АК га қўйилиш ҳақидаги шартномаси ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш.

Қузатув Кенгаши

ЁНГИН САБАБЧИСИ — ЭЪТИЁТСИЗЛИК

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинларнинг сабаблари кўп тахил қилсак улар асосан электр симларининг қисқа туташуви ва ёнғил тизимдаги носозликлар тўғайли келиб чиққанлигини кўраимиз. Ақсарият ҳолларда кўпгина транспорт воситасининг носоз қисмлари вақтида таъмирлаб турилмайди. Ҳайдовчиларимиз автомобил қарбаторидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди ёки ўша жойни кўрболоа усулда — сим билан боғлаб қўяди. Арзи-магандек бўлиб кўринган бу ҳолат катта фалокатларни келтириб чиқаради. Ана ўша кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблағни аяган ҳайдовчи ёнғин содир бўлган, пулни бир неча баробар кўп сарфлашга мажбур бўлади.

Утган йилнинг октябр ойида пойтахтимизнинг Носиров кўчасидаги 77-уй олдида турган “Отайўл” русумли давлат рақами М 1161 бўлган автобусда ёнғин чиққан. Бунинг оқибатида автобўннинг мотор қисмидаги электр симларнинг қопламалари зарар қўрган. Фалокат сабаби электр симларининг қисқа туташувидир. Декабр ойида эса А. Кодирий кўчасида ҳаракатланаётган “Нексия” русумидаги давлат рақами 10 Т 3567 бўлган автомашинада электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин чиқиб, автомашинанинг мотор қисми, ўриндиқлари, ички қопламлари ва резина гилдираклари ёниб кетган. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Халқимизда “Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъкул”, — деган гап бор. Юридикаларини ёшиздан мақсад ҳайдовчиларимизни оз бўлсада ҳўшёрликка қорлаш, ёнғин тўғайли содир бўлаётган фалокатларни олдини олишга ҳисса қўшишдир.

М. МУМИНОВ,
Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати капитани

